Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 5 декабрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 93 (7089)

Da'vat

Қонун инсоний доноликнинг юксак ифодаси бўлиб, у одамлар тўплаган тажрибадан жамият фаровонлиги йўлида фойдаланади.

Самюэл ЖОНСОН

Ibrat

Тошкент шаҳар Юнусобод туман ижтимоий таъминот бўлимида махсус ҳисоб рақами очилиб, унга тушган маблағ ногирон болаларни «Умид» тиббий тиклаш марказида даволаш ва ўсмир ногиронларга кийим-кечаклар тақдим этиш йўлида сарф этилмоқда.

JUMLADA JAHON

• Президент Ислом Каримов Фидокорлар миллий-демократик партияси ташаббус гуруҳи аъзоларини қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг «Кейс» корпорацияси раҳбари Жан Пьер Россо бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони чиқди.

• АҚШ Президенти Билл Клинтон тинчлик жараёнини чуқурлаштириш мақсадида Исроил ва Фаластин маъмуриятига сафар қилишни режалаштирмоқда.

• Индонезиянинг шарқий ҳудудларида Рихтер шкаласи бўйича 7,6 балл қувватли зилзила юз берди.

• Чилининг шимолидаги Арика шаҳрида генерал Аугусто Пиночет тарафдорлари томонидан 64 ёшли Испания фуқароси, иқтисодчи Гонсало Фернандес де Кордоба Лопес ва унинг 23 ёшли қизи ўғирлаб кетилди.

• Покистонда бу йил мисли кўрилмаган ҳосил — 5,2 миллион тонна шоли етиштирилди.

ҚОМУСИМСАН – БАХТИМСАН

Эрк иқболнинг булоғи,
Ҳақгўйликнинг яроғи,
Истиқлолнинг қароғи,
Қомусимсан – офтобим,
Ўзни таниш китобим.

Истиқлолнинг ўзисан,
Унинг айтар сўзисан,
Ватанимнинг кўзисан,
Қомусимсан — ҳаётим,
Кўкка учар қанотим.

Ватанимга нур сочдинг,
Иқбол эшигин очдинг,
Булоқдек қайнаб-тошдинг,
Қомусимсан – бахтимсан,
Умид, орзум, аҳдимсан.

Солижон ХУДОЁРОВ,
ўқитувчи

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 287- мактабда Конституция кунига бағишланган тантанали тадбир ўтказилди. Уни олий тоифали муаллима Гулнора Отахўжаева мактаб ўқувчилари билан биргаликда тайёрладилар.

Шу куни мактаб ҳар қачонгидан ҳам чиройли безатилди. «Энг зўр деворий газета» кўрик-танловига ишланган газеталар эса бир-биридан гўзал, мазмундорлиги билан ажралиб турди. Байрамнинг тантанали қисмида болалар театри актёрлари шу санага аталган кичик саҳна асарларини намойиш қилишди. Шунингдек, ўқувчилар томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди. Тантанага ташриф буюрган туман халқ таълими бўлими ходимлари, «Янги ҳаёт» маҳалласи фаоллари ва ота-оналар ушбу тадбир ниҳоятда уюшқоқлик ҳамда хушнудлик билан ўтганини таъкидладилар.

Суратда:
1.5 -«Б» синф ўқувчилари устози Г.Отахўжаева раҳбарлигида «Қонунимиз—мустақиллик пойдевори» кўринишини намойиш этишаётир.
2. Мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Холида Юнусова ва муаллима Дилфуза Қобилова (чапда) байрамга бағишлаб чиқарилган деворий газеталарни баҳолашяпти.

Равиль АЛЬБЕКОВ
олган суратлар

Ўқитувчи ён дафтарига

БЕХЕЙМДАН БЕШ АСР АВВАЛ...

Газетамизнинг ўтган сонида ёзилган, 1492 йилда географ М. Бехейм томонидан яратилган глобус бизгача сақланиб қолган глобуслар ичида энг қадимгисидир. Бехеймдан беш аср муқаддам эса, буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний томонидан диаметри уч метрга тенг бўлган глобус яратилган. Таассуфки, улуғ бобомизнинг бу кашфиёти бизгача сақланиб қолмаган.

ДУНЁ ИҚЛИМИ ЎЗГАРАДИМИ ?

Яқин 100 йилликда дунё иқлими яна 2 градусга исийди, деган тахминни илгари сураётган олимларимизга қарши ўлароқ, Бремерхафендаги (Германия) Алфред Вегенер номидаги океонология ва минтақавий тадқиқотлар институти директори Йорн Тиде, дунё яна муз даврига кириб бормоқда, деган хулосага келди. Олим, янги муз даври бир неча минг йилликлардан, балки, бир неча асрлардан кейин ҳам бошланиши мумкин, дея таъкидламоқда.

ИМЛОВИЙ ХАТОЛАР ВА ИСТЕЪДОД

Айрим шифокорлар осон сўзларни ёзишда ҳам имловий хатоларга йўл қўйиш ҳолатини «дислексия хасталиги» деб аташади ва ҳозирда миллионлаб одамлар бу касалликка мубтало, деб таъкидлашади. Уларнинг бу таъкидлари аксича, яна бир гуруҳ мутахассислар дислексияни касалликлар қаторига қўшишга руйхушлик бермаяптилар. Уларнинг айтишича, бундай одамлар ҳатто фавқулодда истеъдод эгаси ҳам бўлишлари мумкин.

ОДАМЛАРНИНГ БЎЙИ ЎСМОҚДА

ХХР Фанлар академиясига қарашли Шанхай цитология илмий текшириш институти олимлари уч йил давомида хитойлик тиббиётчилар яратишган одам бўйини ўстирувчи сунъий гармонларни синовдан ўтказишди. Тажрибалар мазкур гармонлар қабул қилингач, одам бўйи бир йилда ўртача ўн сантиметрга ўсиши мумкинлигини кўрсатди.

8 декабрь – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

Имконият берилмайди, изланади 2-бет

Бош қонун мустақиллигимиз, тараққиётимиз кафолатидир (саҳифа) 3-бет

Muammo va yechim

ҲОҲИШ БЎЛСА БАС...

Дарс ва синфдан ташқари тарбиявий тадбирлар самарадорлигини оширишда, уларни мазмунли ва мақсадга мувофиқ юксак савияда ўтказишда ўқув-кўргазма қуроллар, илмий-назарий, услубий адабиётлар, қўлланмаларнинг аҳамияти беқиёс. Афсуски, уларни топиб бўлмайди. Борлари ҳам нархи осмонда. Ўқитувчининг чўнтаги кўтармайди. Кутубхоналар ҳам ўта ғариб. Номигагина. Шуни ҳисобга олиб, ўқитувчиларга, синф раҳбарларига амалий ёрдам бериш мақсадида шахсий кутубхонамнинг бир қисмини кабинетимга кўчирдим. Шунингдек, 40 йил давомида тўпланган газета-журналларда эълон қилинган таълим ва тарбияга оид кўпгина илмий-назарий, услубий, адабий, тарихий характердаги мақолалар, маълумотлар, суратларни саралаб, мавзулар бўйича тартибга солиб, 100 дан зиёд альбом ва папкалар тайёрладим. Булар ҳам кабинетдан ўрин олди. Бу альбом ва папкалар илмий-назарий, услубий манба, қўлланма ҳамда қўшимча адабиёт сифатида ўқитувчиларга дарс ўтишда, тарбиявий соат, эрталик, кеча ва мушоира каби тарбиявий тадбирларни ўтказишда жуда асқотмоқда.

Альбом ва папкалар она тили, адабиёт, тарих, табиат, мустақиллик, миллий қадриятлар, урф-одатлар, эстетик, экологик, иқтисодий, ҳуқуқий, меҳнат, соғломлаштириш каби тарбия қирраларини қамраб олган. Улар «Олтин саналар», «Иқтисод сабоқлари», «Олтин сандиқ», «Ўқитувчи-устоз», «Эрталиклар», «Миллий ҳаракатли ўйинлар», «Халқ оғзаки ижоди», «Амир Темур», «Алишер Навоий», «Туман тарихи», «Биринчи ўзбек космонавти», «Истиқлол учун курашганлар», «Буюк сиймолар», «Янги ўзбек алифбоси», «Донолар ўгити», «Одобнома», «Ал-Фарғоний», «Имом ал-Бухорий»,«И.Каримов нутқ ва маърузалари», «Қонунлар, қарорлар», «Диний алломалар», «IX-X аср мутафаккирлари»...

«Олтин саналар»да республикамиз мустақилликка эришгандан кейин ижтимоий ва сиёсий ҳаётида зарҳал ҳарфлар билан ёзилган саналар, «Иқтисод сабоқлари»да эса бозор иқтисодиёти муносабати билан турмушимизга кириб келган акция, бартер, бизнес, дивидент, маркетинг каби кўплаб сўзларнинг маъноси, мазмуни ҳамда ишбилармонлик, тадбиркорлик ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Ёки «Туман тарихи» альбомида шаҳримиз, туманимиз ташкил топган саналар, биринчи раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги, маорифи, тиббиёти, маданиятига доир зарур маълумотлар, «Наботот оламида» альбомида эса республикамизда ўсадиган 100 дан зиёд шифобахш ўсимликлар, кўкатлар, сабзавотлар, мевалар ҳамда уларнинг сир-асрорлари баён қилинган.

Шунингдек, альбом ва папкаларда «Наврўз», «Меҳржон» каби миллий ва диний байрамлар тарихи, келиб чиқиши ҳақида ҳам, миллий урф-одат, қадриятлар ҳақида ҳам бой материаллар, маълумотлар, суратлар тўпланган.

Хуллас, ҳар бир альбом, папка мактабимиз ўқитувчилари, синф раҳбарлари учун илмий-назарий, услубий қўлланма, қўшимча адабиёт сифатида ёрдами тегаётганидан мамнунман. Аслида мақсад ҳам шу эди.

Шамидулла ОТАҚУЛОВ,
Пойариқ туманидаги 1-ўрта мактаб директорининг маънавият ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Халқ таълими аълочиси

Mulohaza

РЕЙТИНГ УСУЛИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Шу кунларда таълим соҳасидаги янгиликлардан бири бу — ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимининг жорий этилаётганлиги. Табиийки, ҳар қандай янгилик ҳаётга сингиб кетгунича бироз вақт талаб этилади. Шу даврда эса унга қандай амал қилинаётганлиги, муносабат билдираётганлиги батафсил ўрганиб борилиши лозим. Шу йилнинг 10 - 12 декабр кунлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўрта-махсус касб-ҳунар таълими Маркази томонида ўтказиладиган Республика амалий семинар кенгаши кун тартибига айнан шу масала киритилган. Шу муносабат билан бераётган ушбу мақолада асосан баҳолашнинг «5» баллик тизими камчиликлари ва рейтинг тизими афзалликлари ҳақида сўз боради.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳозир ҳаётга татбиқ этилаётир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203 - сонли қарори билан тасдиқланган тажриба-синов майдонларида 1998/99 ўқув йилида баҳолашнинг рейтинг усули тажриба синовдан ўтказилмоқда. Рейтинг тизимини республикамиз мактабларига жорий қилишда турли вилоятларда ижодкор ўқитувчилар, мутахассис ва олимлар самарали меҳнат қилишмоқда.

Республикамиз олимлари ўзининг чет эллардаги ҳамкасблари билан узвий алоқада бўлиб таълим тизимидаги илғор ғоялар, тажрибалар билан танишиб, таълим мазмунини ривожлантириш, уни жаҳон талаблари даражасига олиб чиқиш, пировард натижада юқори малакали кадрлар тайёрлаб, республикамизнинг иқтисодий ва маънавий қудратини ошириш ишига хизмат қилишаётгани қувонарлидир. Ривожланган давлатлардан ўрганилган янгиликлар эса ўқитувчилардан эскича ўқитишдан воз кечишни, янги педагогик технологияни ўрганишни талаб қилмоқда. Ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялаш вазифаси янги педогогик технологияни амалда қўллаган маскандагина амалга оширилади. Ўқувчилар билимини аниқлашнинг «5» баллик тизими давр талабидан анча орқада қолди. Камчиликлари нималарда эди?

Биринчидан, барча сўровларга, синовларга, имтиҳонларга материал ҳажми, савол қийинлигини инобатга олмай «5» балнинг жорий қилиниши, баҳо миқдорининг меъёри ишлаб чиқилмаганлиги;

(Давоми 2-бетда)

«МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ

? ? ?

Мен мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлайман. Ўқитувчилар етишмаслиги сабабли кўпгина дарслар вакант қолиб кетмоқда. Ана шу вакант дарслардан ўз мутахассислигимиз бўйича биз, мактаб раҳбарлари, ўқитамиз десак, туман Халқ таълими бўлими бош иқтисодчиси сизларга, яъни мактаб раҳбарларига, дарс ўқитиш мумкин эмас деган гапни айтди. Шу гап тўғрими?

О. РОҒИБОВ,
Самарқанд вилояти Ургут туман Гўс қишлоғидаги 8-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

! ! !

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 1991 йил 2 декабрь 03-1140 сонли «Ўқув-тарбия муассасалари ходимларининг иш ҳақини ҳисоблаш тартиби ҳақида»ги йўриқномасига кўра, муассасалар директорлари ва улар ўринбосарларининг шу ўқув муассасасининг ўзида, ўзининг асосий иш вақтида педагогик иш ўтказиши фақатгина юқори халқ таълими органларининг рухсати билан амалга оширилади. Шу билан бирга, бу иш меъёрининг чегараси белгиланмаганлиги учун, ўқув юкламасининг меъёрини ҳам халқ таълими органлари белгилайди. Халқ таълими органи берилган тоифадаги ходимларга ўқув юкламасининг меъёрини конкрет белгилаш вақтида, ҳам ўзининг асосий иш жойида, ҳам педагогик иш фаолиятида, улар томонидан бажарилаётган ишнинг сифати, педагогик малакасини, ўқув муассасасининг педагогик кадрлар билан таъминланганлиги, бўш ўқув соатларини мавжудлиги ва ҳоказо факторларни ҳисобга олади.

Маъмурий хўжалик ва ёрдамчи ўқув персонали қаторига кирувчи бошқа ходимларнинг ўқитувчилик ишлари меъёри муассаса раҳбари томонидан, шу ўқув муассасасининг касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

? ? ?

1998 йил январь ойигача она тили ва адабиёти, чет тиллари, математика фанлари бўйича чуқурлаштирилган – иқтисодий гимназия ўқитувчиси, тарбиячи ва бошқа ходимлари 50 фоиз қўшимча иш ҳақи олдилар. Шу йил февраль ойидан уларга 20 фоизли қўшимча ҳақ тўлашга ўтилди. Шу тўғрими?

Т. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Фарғона вилояти, Бағдод тумани иқтисодий гимназиянинг олий тоифали математика ўқитувчиси

! ! !

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрь 490-сонли «Халқ таълими ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шароитларини тартибга солиш ҳақида»ги қарорига асосан, ўқув-тарбия процессидаги раҳбар ходимларга, руҳшунослар, ўқитувчилар, тарбиячилар, тўгарак раҳбарларига, гимназия, лицейларнинг бошқа педагог ходимларининг ойлик лавозим окладларига ҳамда иш ҳақи ставкаларига 20 фоизли қўшимча белгиланади.

Лицей-интернатларда эса кўрсатилган ходимларга 50 фоизли қўшимча белгиланади.

Муштарийларимизнинг иш ҳақи билан боғлиқ юқоридаги саволларига жавобни Ўзбекистон Республикаси ХТВ режа ва молия бошқармаси меҳнат ва иш ҳақи бўлимидан шарҳлаб беришди.

РЕЙТИНГ УСУЛИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ

(Боши 1-бетда)

— иккинчидан, ўқувчини чораклик, йиллик, жорий баҳолари биргина шахсга боғлиқ тарзда баҳоланиши, натижада ўқувчи билимини объектив баҳоланмаслиги;

—учинчидан, назоратлар қамрови торлиги, ўқувчиларда жонли қизиқиш, куюнчаклик, хурсандчилик ҳисларини уйғотиб, уларнинг фаоллигини таъминламаганлиги;

(Дарсни 50 фоиз вақти сўровлар билан тугайди);

—тўртинчидан, баҳоларнинг синфдаги ўқувчига нисбатан қўйилиши, бу эса ушбу мактабдаги баҳони иккинчи мактабдаги билан солиштириш имконини бермайди.

Шунингдек, «5» баллик тизимда чораклик баҳоларнинг ўрта арифметик асосида чиқарилиши, йиллик баҳони чораклик баҳоларнинг ўртасидан чиқарилиши, якуний баҳо, имтиҳон баҳосидан юқори бўлмайди деган қоидалар ўқувчиларни ижодий ишлаши, мустақил фикрлашини чегаралаб қўйди. Ўқитувчи, ўқувчи, ота-она ўртасида ишончсизлик келтириб чиқарди. Энг ёмони дарсда ўқувчининг ҳар бир сўзи баҳоланиши лозимлигини инобатга олсак, ўқувчи ўзининг фикрини айтишдан қўрқадиган бўлиб қолди. Агар ўқувчи жавоби ўқитувчининг фикрига мос келмаса, унинг дунёқараши асосида бўлмаса «2» баҳо олар эди. Хуллас «2» баҳо бу ўқувчини жазоловчи қурол бўлиб хизмат қилди. Натижада ўқувчи ва ўқитувчи орасида ижодий ишлаш, ташаббускорлик йўқолди.

Умумий ўрта таълим муассасалари (мактаблар)нинг 5—9 синфларида рейтинг усулини жорий қилишдан мақсад юқорида таъкидланган камчиликларни бартараф этиш. Таълим жараёнининг сифатига холис баҳо бериш, барча мактабларни таққослаш, ўқувчилар билимининг турли қирраларини холис баҳолаш, рағбатлантиришга эътибор бериш, ўқувчиларда мунтазам мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиришда бу тизим жуда қўл келади.

Республикамиз лицейлари, гимназияларида, мактабларида, интернатларида рейтинг тизимини жорий қилиш бўйича катта тажрибалар тўпланган. Бироқ унинг самарадорлигини ошириш ва маромини таъминлаш учун аввал рейтинг тизими мақсадини, ғояси ва вазифасини тушуниб етиш керак. Бу борада мактабда ишлаб чиқилган низомда тизимнинг барча жиҳатларининг қамраб олиниш жараёнини изга солиш аҳамиятли. Асосий дарсга алоҳида эътибор берган тақдирда дидактика талабларни ҳам ёддан чиқармаслик керак.

Рейтинг тизимининг самарадорлигини оширувчи, ўқувчи билимини объектив баҳоловчи кўргазмали қуроллар, тест материаллари ишлаб чиқишга аҳамият бериш керак. Ўйлаймизки, Республикамиз мактабларида қўлланилаётган рейтингларда юқоридаги жиҳатлар эътиборга олинса ҳамда рағбатлантиришга катта эътибор берилса, у республикамиз ўқитувчилари, ўқувчиларига мос тушадиган осон ва рақобатдош рейтинг тизими бўлар эди.

М.ТОЖИЕВ,
Ўз ПФИТИ математика ва информатика ва ҳисоблаш техникаси бўлими бошлиғи, доцент
Қ.ТЎЛАБОЕВ
Ўз.ПФИТИ тадқиқотчиси, олий тоифали ўқитувчи

МУРҒАКЛАР МУЪЖИЗАСИ

...Мурғак қалб ҳам муъжиза кўрсата оладими? Сиз ажабланаётгандек даставвал бизда ҳам шундай иштибоҳ кечди. Лекин... Улар ростданам ҳам ўз имкониятларига нисбатан муъжиза кўрсатишган эди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Болалар бадиий ижодиёти Республика маркази ва халқаро «Наврўз» ҳайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб «Мурғак қалб мўжизалари» деб номланган Тошкент шаҳридаги мурувват уйлари ва махсус мактаб интернатларида тарбияланаётган истедодли ногирон болаларнинг тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмасини ўтказди. Кўргазмада ногирон болаларнинг санъат асарлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Тошкент шаҳридаги 1-Мурувват уйи жамоаси олий мукофотга сазовор бўлди. 101 - махсус мактаб интернати жамоаси иккинчи, 103 - махсус мактаб интернати жамоаси эса учинчи ўринларни эгаллашди.

Мухбиримиз

O'gituvchilarga yordam

БАДИИЙ САРЛАВҲА АСАРДА МАҲОРАТИ

Бадиий адабиётда сарлавҳанинг ифодали, таъсирли, образли, эмоционал чиқишида матал, мақол ва ҳикматли сўзларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда халқ ижоди, айниқса иборалардан фойдаланиш одатдаги бир ҳол, бундай қочириқ сўзлар ғоят мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини яхши ифодалаб бера олади.

Халқ ижоди дурдоналари сарлавҳанинг бадиий қимматини оширишда ва ўқувчи диққатини тортишда ғоят катта роль ўйнайди. Сарлавҳада ибора қўлланилса, матннинг бутун мазмуни, моҳияти, хусусияти очилади. Бу хил сарлавҳа матнни аташ билан бирга тасвирланаётган воқеага муаллифнинг муносабатини ҳам ифодалайди, матн ғоясини аниқ ва зўр бадиийлик билан кўрсатиб беради.

Сарлавҳада иборадан усталик билан фойдаланиш асар қимматини оширишда ва оммавийлигини таъминлашда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Шу боис ҳам ёзувчилар иборанинг бу хусусиятига жиддий аҳамият бериб, сарлавҳа қўллашда муносиб мақол, матал ва ҳикматли сўзлар топадилар. Абдулла Қодирийнинг «Мехробдан чаён», Шухратнинг «Олтин зангламас», Ҳабиб Нўъмоннинг «Ёшликда берган кўнгил», Одил Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса» каби роман ва қиссалари, Н. Сафаровнинг «Кимга тўй, кимга аза», Иззат Султоннинг «Кўрмайин бос-дим тиканни», Одил Ёқубовнинг «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим» каби қиссалари ва бошқа асарлар шулар жумласидандир. Ибораларидан сарлавҳада фойдаланиш газета ва журнал материалларида ҳам кўп учраб турадиган ҳодисадир.

Сарлавҳада ҳам ибора ва мақол ўзининг лексик-фразеологик хусусиятини сақлаб қолади. Фразеологик иборалар ва мақоллар сўз каби маъно ҳамда стилистик бўёғи билан фарқланади. Ибора ёки мақол бирон воқеани атайди ва ифодалайди, яъни луғавий бирлик тарзида бирон бир ҳодисани билдириб, маъно кашф этади. Иборалар моносемантик ва полесемантик бўлади. Маъно оттенкаларига бой иборалар моносемантик ибора деб аталади. Икки ва уч маъноли иборалар полесемантик иборалардир.

Демак, фразеологик иборалар сарлавҳанинг энг муҳим манбалари бўлиб, уларни қўллаш матн мазмунини очишда, ўқувчини асарга жалб этишда муҳим омил ҳисобланади. Ибора ва мақолларнинг лексик-фразеологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда сарлавҳа қўллашда улардан фойдаланиш тилшунослик ва бадиий маҳорат нуқтаи назаридан ғоят муҳим аҳамиятга моликдир.

Абдували МУХСИМОВ,
ТошДУ аспиранти

ЭКОЛОГИК «ЛОЙИҲА: 2000+»

1-3 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтган халқаро анжуманда Марказий Осиёдаги экологик бўҳрон сабаб ва оқибатлари таҳлил этилди. Ўзбекистон Республикаси «Устоз» Миллий фонди ЮНЕСКО шафеълигида ўтказган бу анжуманнинг асосий мақсади – таълим тизимида экологик тарбия, Орол денгизи минтақаси экологик муаммоларини бартараф этиш йўлидаги илмий изланишлар, амалий ишлар янги лойиҳа ва дастурлар муҳокамаси, экологик тарбияга оид ўқув қўлланмалари ва дарсликлар тақдимотини ташкил этишдан иборат бўлди.

Уч кун давом этган халқаро анжуманда мамлакатимиз вакилларидан ташқари Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикаларидан келган мутахассислар, шунингдек, БМТ, Халқаро ЭКОСАН, Жаҳон банки, ТАСИС, ЮНЕСКОнинг Париждаги штаб-квартирисидан келган кузатувчи ва экспертлар гуруҳи иштирок этишди.

ЮНЕСКОнинг Париждаги штаб-квартирасида бўлим бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатаётган жаноб Орландо Холл-Розенинг таъкидлашича, ушбу халқаро ташкилот Орол минтақаси бўйича «Лойиҳа:2000+» доирасидаги Тошкент анжуманида мубоҳаса этилган барча фикр ва таклифларни ўрганиб чиқади. Шунингдек, Орландо Холл-Розе, ЮНЕСКО яқин келажакда Марказий Осиё минтақаси доирасида экологик муаммоларга бағишланган доимий янгиликлар бюллетени ёхуд газета чиқариш ниятида эканлигини ҳам айтди.

Норали ОЧИЛОВ

Сирдарё шаҳридаги 40-мактаб жамоаси барча жабҳаларда яхши натижаларга эришяпти. Айниқса, бу ерда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари маданий-маърифий соҳаларда ҳам силжишлар кўзга ташланяпти. Мактаб муаллимлари ва раҳбариятининг изланувчанлиги, ақл-заковати бу ишларга асос бўлаяпти.

Суратда: *мактаб директори Б. Бобоев, маънавият ва маърифат бўлими мудири З. Ворисов, бошланғич синф илмий бўлим мудирлари Б. Раҳмонова, Ш. Ашурматовалар жамоанинг келгусидаги режалари ҳақида фикрлашишяпти.*

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган сурат

Kasaba uyushmalarida

ИМКОНИЯТ БЕРИЛМАЙДИ, ИЗЛАНАДИ

Халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни ижтимоий ҳимоялаш давлат томонидан мустаҳкамланган. Бир қатор қарор ва фармонлар бу фикримиз исботидир. Ушбу ҳимоя ҳужжатларини ҳаётга тадбиқ қилишда эса таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасининг ўрни беқиёсдир. Хўш жойларда бу қўмита нима ишлар қилмоқда? Шу мақсадда Наманган вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси К. Тўлабоев билан қилинаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

—Комилжон ака, аввало бугунги ўтиш даврида тармоқ ходимларини ижтимоий муҳофаза этиш қай аҳволда?

—Вилоятимизда тармоқ ходимларининг талаба ва ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза этишга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида 2890 киши давлат ва корхона уйларини бепул хусусийлаштириб олди. 143 кишига квартира, 3514 кишига эса уй қуриш учун ер участкалари ажратиб берилди. 43780 нафардан ортиқ педагогик ходим коммунал хизматлардан имтиёзли фойдаланмоқда. Деярли барча ходимларимизнинг хонадонлари тоза ичимлик суви билан таъминланган. 7850 та хонадон газлаштирилди. Қишлоқда яшовчи ходимларимизга томорқа, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уларнинг чорваси учун ем-хашак ажратиб берилмоқда.

—Тармоқдаги барча муассасаларда 1996 йили рағбатлантириш жамғармалари ташкил этилиб, уларда 94,4 млн.сум маблағ илғор, ташаббускор ходимларни мукофотлашга сарфланди. Бу соҳада Мингбулоқ тумани, Косонсой, Чуст шаҳарларида, муҳандис-иқтисодиёт саноат технология институтларида, Учқўрғон иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежи ишларидан ибрат олса арзийди.

— Айнан қай жиҳатларини ибрат олишга арзирли деб биласиз?

—Мисол учун бир қатор муассасаларда тадбиркорлик билан қўшимча маблағ ишлаб топилиб, ходимларга енгилликлар яратишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, халқ таълими тизимидаги 476 та мактаб, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларда 33,9 млн.сўмликдан ортиқ маблағ топилиб, биноларни таъмирлашга, ўқув анжомлари сотиб олишга, ишловчиларни ижтимоий ҳимоя этишга сарфланди. Вилоятимиздаги 3 та олий ва 8 та ўрта махсус ўқув юрти томонидан ўтган йили 32,6 млн.сўмдан ортиқ бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топилди.

Бу соҳада саноат-технология институтида, Учқўрғон коллежида, Наманган педагогика билим юртидаги ишлар мақтовга арзигуликдир. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари гуруҳлари раҳбарларининг саноат-технология институти тажрибаси асосида ўқув ўтказдик. Натижада Жийдакапа ва Косонсой коллежи, тўқимачилик техникумидаги ишларнинг ҳолати анча яхшиланди. Мингбулоқ туманидаги 8-мактаб касаба уюшма қўмитаси қошидаги гуруҳнинг фаолияти натижасида тегирмон, обжувоз, макка қаламчалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, улар ҳар ойда 7 минг сўм даромад бераяпти. Бу маблағ шароити оғир оилаларга моддий ёрдам беришга, ўқувчиларга стипендия тўлашга сарфланмоқда. «Гигант» жамоа хўжалигидан 1 гектар ер олиниб шоли, маккажўхори, мош ва бошқа экинлар экилди. Чортоқ туманидаги «Мучум» маҳалла фуқаролар йиғини ўз ҳудудидаги 5 та мактаб, 3 та болалар боғчасининг 48 нафар ходимига 57,4 минг сўмлик ёрдам кўрсатди. Муассасаларни таъмирлашга оталиқ ташкилотлари ва ҳомийлар ҳисобидан 89 минг сўм сарфланди. 2 та мактаб газлаштирилди. 2 та мактабга ёрдамчи хўжалик учун 1.5 гектар ер ажратилди. Кичик корхоналар ҳисобидан 41 янги ишчи ўрни яратилди.

— Иш бор жойда муаммолар ҳам бўлади. Тармоқдаги муаммолар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Ишимизда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Утган йили иқтисодий қийинчилик туфайли 10866 нафар ходимларимизга ёқилғи учун товон пули тўланмади. Суюлтирилган газ таъминоти масаласи бир неча йилдан буён ҳал этилмаяпти. Вилоят халқ таълими тизими бўйича рағбатлантириш жамғармасининг 31,7 фоизи ишлатилди, холос. Ходимларга уй қуриш учун ер участкаси ажратишда қурилиш материаллари ва қорамол сотиб олиш учун мақсадли қарзлар олиб беришда шаҳар, туман ҳокимликлари, жойлардаги фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ишлашимиз керак. Айрим гуруҳларнинг фаолияти бизни қониқтирмайди. Бу долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўлларини вилоят гуруҳининг шу йил 15 февраль кунги йиғилишида атрофлича муҳокама этдик. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши орқали вилоят ҳокимлигига, вилоят молия бошқармасига, шаҳар, туман ҳокимликларига мурожаат қилдик. Ҳокимликларнинг яқиндан берган ёрдамлари туфайли 1996 йилда берилмаган ёқилғи учун товон пулидан 174,7 минг сўмни, рағбатлантириш учун 1184,3 сўмнинг тўланишига эришдик. Бу соҳада янада фаол ишлашга ҳаракат қиляпмиз. Ибратли иш тажрибаларини, илғор гуруҳлар фаолиятини кенг тарғиб қилмоқдамиз.

Х.АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди

1998 yil - Oila yili

ЮЛДУЗЛАР ЕРДА ЯШАШАДИ

Оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялаш мамлакатимиз сиёсатининг ўзагини ташкил қилади. Бунда илм даргоҳи муаллимлари ўрни, бурч ва вазифалари алоҳида қайд этилган. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 15-ўрта мактабнинг география фани ўқитувчиси Саттор Йўлчиев ҳам буюк давлат келажагини яратувчиларини тарбиялаб етказишдек масъулиятли вазифани бажаришга улкан ҳисса қўшиб келаётир. Башарти, унинг 75 йиллик ҳаёт йўлига назар ташласангиз, шундан 48 йилини маорифга, ўғил-қизлар таълим-тарбиясига бахшида этаётгани гувоҳи бўласиз.

Афсуски, С.Йўлчиевнинг ёшлиги қаҳатчилик даврларига тўғри келди. Шундай бўлса-да, у мутолаани канда қилмади, илм этагидан тутди. Бир амаллаб, 1940-41 ўқув йилида ўрта мактабни тамомлади. Бироқ уруш бошланиб, таълим олишни давом эттириш имкони бўлмай қолди. Фронт учун туну кун ишлади. Уруш тугаганидан сўнг эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг география факультетига ўқишга кириб, уни 1950 йилда тугатди. Шу йили С.Йўлчиевни Ўрта Чирчиқ туманидаги 47-мактаб (ҳозирги Бахтиёр Йўлчиев номидаги 15-мактаб)га йўлланма билан ишга юборишди. Устоз ҳамон меҳнат жабҳасини тарк этгани йўқ. Тўғриси, қадрдон мактабини, ўқувчиларини ташлаб кета олмади. Ахир, кўз очиб кўргани мактаб ва болалар эди-да. Шу боисми, мулоқотлар, дарслар ҳам унга қандайдир куч бағишлаб туради.

Ундан ташқари, мактабга Афғонистон тупроғида хизмат бурчини ўтаётган пайтда ҳалок бўлган Бахтиёржон Йўлчиев номи берилган. Мактаб ҳовлисига қаҳрамон йигитнинг бюсти ўрнатилган. Қадрдон масканга ҳар тонг қадам босганида ўғли худди салом бериб, қаршилаётгандай туюлади, хотиралар уйғонади.

Бахтиёржон асли бир олам - кенг феъли йигит эди. Дўстларига меҳрибон, ота-онасига ғамхўр бўлиш билан бирга хизматларига ҳамиша тайёр турарди. У ТошДУнинг юридик факультетида илғор талабалар сирасига кирарди. Бу хушхулқли йигитни домлалари қаттиқ ҳурмат қилар, унинг ташкилотчилик қобилиятига қойил қолишар, келажакда кучли ҳуқуқшунос бўлиб етишишига имонлари комил эди. Бахтиёржон севган қизи билан ширин турмуш қуриб, ўғил-қизларини тарбиялашни ўйларди. Оҳ, унинг орзулари мўл эди...

Орзулари уруш туфайли армонга айланди. Таскин шуки, Бахтиёржоннинг қисқа умри, фазилатлари қишлоқдошлари, институт жамоаси ва дўстлари ёдида қолди. Илм масканидаги музей, юридик институтида ташкил этилган хотира хонаси ва у ердаги хатлар, эсдаликлар, жанговар ҳаракатдаги хизматлари учун берилган орден ва бир қанча медаллар қаҳрамон йигитнинг қисқа даврдаги фаолиятидан сўзлайди. Уларни кўриб, ота қалби титрайди. Айниқса, Бахтиёрнинг болаликдаги шўх, шодон ҳаракатлари кўз олдига келаверади, худди фарзанди унинг бағрига талпинаётгандек туюлаверади. Начора... Шу каби туйғулар, ўйлар таъсирида отанинг «Соғиндим», «Айрилиб», «Фарзандим», «Онамни осмон айладим», «Зинҳор йиғламанг», «Сўнгги суҳбат», «Меҳр-оқибатни унутманг, дўстлар!» сингари шеърлари ёзилди.

Ота география фанини ўқитишни янада жонлантириш устида тинмай фаолият кўрсатаяпти. Шундай пайтлари азоблари бир мунча енгиллашгандай бўлади. Ҳозир ҳам маърузаларига кўпроқ янгиликлар киритишга ҳаракат қилмоқда.

— Ўғил-қизлар камроқ ёзиб, кўпроқ савол-жавоб қилишлари лозим, - деди С.Йўлчиев. - Чунки баҳс-мунозара, жонли мулоқот пайтларидагина ўқувчилар ўртасида ажиб жонланишни сезаман, уларда таҳлилий хулосалар чиқаришдан, фикрлашлардан ўзига хос қанот пайдо бўлаётганини кўриб қувонаман.

Дарҳақиқат, мулоқот жараёнида болада китобга мурожаат қилиш эҳтиёжи сезилади, изланади, топади. Излаган нарсасини топса, олдинга интилиш ҳисси пайдо бўлади. Пешқадам бўлиш — болаларнинг ёшига мос ва хос жараён. Жараёнга бошқалар ҳам эргашади. Муаллим уни бошқариб, илм ўзанига буриб турса бас...

— Саттор ота Йўлчиев маҳоратли муаллим, - деди мактаб раҳбари Мавлуда Маматқулова. - У оддий воқеани ҳам ўқувчига уддабуронлик билан етказади. Ва, албатта, дарсда ўғил-қизларнинг психологик хусусиятларини инобатга олади. Агар бирор-бир ўқувчиси қолоқликка йўл қўйса, ота-оналари билан якка тартибда суҳбатлашади.

— Отанинг суҳбатларидан баҳра оласиз, - деди «Қундузак» қишлоғи фуқаролар кенгаши раиси Тамара Абдуҳакимова. - Айниқса, фарзандлар тарбиясига боғлиқ насиҳатлари ҳаётий мисоллар билан уйғунлашади. Шу боисми, уни ҳамма ҳурмат қилади, бирон муаммо чиқса, дарров маслаҳат сўрашади. Умуман, бу оддий, камтарин инсон ҳақида ёзсангиз савобга қоласиз.

Тамара опани тушунса бўлади. Унинг яхшиларни асраш-авайлаш борасидаги фикрларида улкан ҳикмат бор. Қишлоқ Саттор ота каби одамлар билан кўркам, файзли ва нурли. Барибир, ёшларга таълим-тарбия бериш - савоб деб умри ўтаётган инсон тўғрисида, олган мукофотлари хусусида ёзишга қалам ожизлик қилади. Назаримизда, «Қундузак» қишлоғи одамларининг бу оиладан мамнунлик туйғуларининг ўзи отага, халқ соғлиғини ўйлаётган қизлари Махсума, Холидалар, халқ осойишталиги йўлида хизмат қилаётган фарзанди Дониёржон ҳамда ота касбини давом эттираётган фарзандлари Мастура, Мавлуда, Маъмура, Озодаларга билдирилаётган энг олий эҳтиромдир. Зеро, эл эътирофи улуғ бахт бўлиши билан бирга улкан давлат ҳамдир.

Баъзи одамлар бахтини осмондан, юлдузлар орасидан излашади. Аслида юлдузлар ерда, халқ ичида яшайди. Булар сирасига Йўлчиевлар оиласини киритиш мумкин. Хуллас, зиёкорлар сулоласи зиё ёғдусидан ҳали кўп-кўп авлодлар баҳраманд бўлажак.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

MMM ХАБАРЛАРИ

QO'SHALOQ TANTANA

Nukus tumanidagi 4-o'rta maktabning 60 yoshi hamda konstitutsiyamizning 6 yilligi munosabati bilan o'tkazilgan tantanali marosimda tuman xalq ta'limi bo'limi mudiri Abdulla Davletov maktabning bosib o'tgan yo'li va hozirgi faoliyati haqida ma'ruza qildi. Tadbirda O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligidan Ozod Rahmonov, Qoraqalpog'iston respublikasi xalq ta'limi vazirining birinchi o'rinbosari Ozod Matmurotov ishtirok etishdi. Ular to'planganlarni har ikki quvonchli sana bilan samimiy tabrikladilar. Ilg'or o'qituvchilarga mukofot, faxriy yorliqlar topshirildi.

G'oyib YOQUBOV

KEKSALARNING O'RNI BO'LAKCHA

Toshkent shahar Yakkasaroy tuman hokimligi shu hududdagi jamoat tashkilotlari bilan hamkorlikda «Tabassum» kafesida Xalqaro nogironlar kuniga bag'ishlangan tadbir o'tkazdi. Unda urush faxriylari, mahalla keksalari va jamoat tashkilotlari vakillari qatnashdi.

Tuman hokimi, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi deputati Alisher Mirhoshimov yig'ilganlarning barchasini ushbu sana bilan qutlab, tuman miqyosida olib borilayotgan ishlar va farzandlar tarbiyasida keksalar o'rniga keng to'xtaldi. Xususan, hokimlik yordami bilan 91-maktabda chuqur o'qitiladigan sinflar ochilgani, 319-maktabda esa, yopiq cho'milish havzasi qurilayotganini qayd etdi. Shundan so'ng ularga hokimlik tomonidan tayyorlangan maxsus sovg'alar ulashildi.

Ahmadjon RAHMATULLAYEV

TO'GARAKLAR – KELAJAKKA YETAKLAR

«Qo'girchoq teatri», «Mohir qo'llar», «Yosh muxbirlar», «Yumshoq o'yinchoqlar», «Milliy hunarlar» kabi ma'lum kasb ko'nikmalarini shakllantirishga qaratilgan to'garaklar Bekobod tuman «Bolalar ijodiyoti markazi» faoliyatining asosini tashkil etadi. Ayniqsa, bu dargohda ijodkor bolalarni rag'batlantirish va ruhlantirishga katta e'tibor berilayapti.

Mahfuza HAMIDOVA

MMM ХАБАРЛАРИ

БОШ ҚОНУН МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ВА ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИДИР !

ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР

Bir soatlik dars

8-декабрь куни Республикамиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 6 йиллиги кенг нишонланади. Мактабимизда хар йили бу санага бағишлаб махсус машғулотлар ўтказилади.

Тарих ўқитувчиси сифатида биз, ушбу машғулотларга алоҳида масъулият билан тайёргарлик кўрамиз ва уни болалар эсида қоларли даражада ўтказишга интиламиз. Зеро, Ватан тарихини, унинг Конституцияси, рамзларининг мазмунини чуқур билиш, уларни эъзозлаш, хурмат қилиш ватанпарварлик тарбиясининг мухим жиҳатларидандир.

Қуйида Конституция кунига бағишлаб бу йил 8-синфда «Ватанни севмоқ - иймондандир» мавзусидаги машғулотимизни қандай ўтказганлигимиз хакида ўртоқлашмоқчимиз.

Дастлаб 4 қисмдан иборат режа туздик.

1. Конституция хақида.

2. Ватан нима?

3. Ватанни севмоқ — иймондандир.

4. Ватан олдидаги бурчинг.

Ушбу режа асосида машғулотларга тайёргарлик кўриш учун ўқувчиларимизга бир хафта вакт бердик ва улар зарур адабиётлар билан таъминланди. Белгиланган куни машғулот савол-жавоб тарзида уюштирилди.

1-ўқувчи: Маълумки, 8-декабрь – Давлатимиз Конституцияси куни. Конституциямиз 1992 йилнинг 8-декабрида қабул қилинган. Мана, 6 йилдирки, бу сана миллий байрамларимиздан бири сифатида нишонланиб келинмоқда.

2-ўқувчи: Конституция бу давлатимизнинг Асосий қонуни. Конституция хақида сўз юритганимизда, бизни доимо иккита савол қизиқтириб келарди: Уларнинг бири – Конституциянинг нега Асосий қонун дейилиши бўлса, иккинчиси, нега Конституция қабул қилинган куннинг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши эди.

Машғулотга тайёргарлик кўриш давомида бу саволларга жавоб топдик.

Ўқитувчи: «Қани, бу жавоблар нималардан иборат экан?

3-ўқувчи: Биринчидан, давлатнинг бошқа барча қонунлари Конституция асосида яратилганлиги ва бу қонунлар мазмунан Конституцияга мос келиши шартлиги учун Коституция давлатнинг Асосий Қонуни дейилар экан.

4-ўқувчи: Иккинчи саволга қуйидаги жавобни топдик: Конституцияда давлатнинг мустақил давлат эканлиги ёзиб қўйилган, шунингдек, фукароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари белгилаб берилган. Айни пайтда Конституцияда давлат хокимияти таркибий кисмларининг, жамоат ташкилотлари ва фукаролар фаолият кўрсатиш тартиблари хам белгилаб берилган.

5-ўқувчи: Ўзбекистоннинг мустакил давлат эканлиги Конституциямизнинг 1-моддасида қайд этиб қўйилган. Зеро, мустакилликдан муқаддас нарса йўқ. Шунинг учун халқимиз уни байрам килади.

6-ўқувчи: Ватан мустакиллиги тенги йўк бахт саодат экан, Ватан нима ўзи, - деган савол хам туғилади-да. Биз бу саволга жавоб излашда «Ватан туйғуси» ва «Ватан – юракдаги жавохир» деб номланган китобларни ўкиб, кўп нарса ўргандик. «Ватан атамаси арабча сўз бўлиб, у «она юрт» деган маънони англатар экан.

7-ўқувчи: Бинобарин, Ватан бу – бизларнинг туғилиб ўсган жойимиз, ўзимиз яшаётган мамлакат. Ватан бу – боболаримиз, момоларимиз, бутун авлоду аждодларимиз киндик кони тўкилган, яшаган макон.

8-ўқувчи: Элшунос олим Билол Аминов Ватанни бундай таърифлабди: «Ватан бу – она тили, миллат, она тупрок, дилбанд ва қариндош инсонлар, она табиат инъом этган барча бойликлар ва неъматлар».

9-ўқувчи: Ватан сўзи мўътабар «она» сўзи билан қўшиб ишлатилади. Дунёда она битта, Ватан хам ягона. Бу нисбат хеч қачон ўзгармайди ва эскирмайди.

10-ўқувчи: Ватанни севмоқ — иймондандир, дейилган хадисларнинг бирида.

Ўқитувчи: Хўш, Ватан туйғуси нима экан ўзи?

1-ўқувчи: Ватан туйғуси – шу Ватан ва унинг ўтмишини билишдан бошланади. Бинобарин, она юрт туйғуси бу — ўз халкини севиш, у билан фахрланиш, хурмат килиш ва кадрига етиш демакдир. Она юрт туйғуси — бу шу азиз ватан озодлиги йўлида жонларини фидо этган авлодларимизни доимо эсда тутмоклик, улар билан ғурурланмокликдир.

2-ўқувчи: Ватан туйғуси бу – ватандошларимиз бўлган улуғ алломаларимизни, мутафаккирларимизни унутмаслик демакдир.

3-ўқувчи: Юртни севиш – ватанпарварлик демакдир. Иймон ва диёнат Ватанпарварликнинг тамал - тошидир. Иймони ва диёнати йўк халкнинг Ватани хеч качон буюк бўлмайди. Ватанпарварлик – бу она заминга бўлган мухаббат, уни севиш ва эъзозлаш. Нафакат севиш ва эъзозлаш, зарур бўлиб колса, жонини хам фидо этишдир.

4-ўқувчи: Ватанпарварлик бу -- ўз халкининг фидойиси, халки дардини ўз дарди деб билиш, Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш ишига бахоли кудрат хисса кўшиш демакдир.

5-ўқувчи: Гап Ватанга юксак эътикод билан яшаш, Ватан ва миллат олдидаги масъулиятни хис этиш хақида кетганда, мени Президентимиз Ислом Каримовнинг якинда Самарқанд ва Навоий вилоятлари сессияларида сўзлаган нуктлари ёдимга тушади. Ахир, нима учун Президентимиз ишониб катта-катта амал бериб қўйган юртдошларимиз Ватан, юрт ишончини оқламаётирлар? Нега, улар фақат ўз манфаатларини ўйламоқдалар?

6-ўқувчи: Бу саволга менинг ақлим етган жавоб шуки, уларда Ватан туйғуси, ватанпарварлик хисси йўқ инсонлар. Уларга иймон, диёнат тушунчалари бегона.

7-ўқувчи: Маълумки, Мустакил Ватанимиз тарихида янги давр бошланди. Бугун Ватанимизнинг тараккиёт йўли аник белгилаб олинган. Ватан, юрт олдида турган буюк ишларни амалга ошириш хар бир фукародан юксак ватанпарварликни намойиш этишни такозо этади.

Келажаги буюк бўлган бу азиз Ватаннинг биз каби ёш фукароларининг биринчи вазифаси эса, аввало, яхши ўкиш, ўтмишимизни чукур ўрганишдир. Ватанимизнинг Конституциясини, Давлат рамзларини пухта билиш, уларни хурмат килиш, авайлаб-асрашдир.

8-ўқувчи: Давлатимиз рамзлари хакида Конституциямизнинг 5-моддасида бундай дейилган: **«Ўзбекистон Республикаси Қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари, байроғи, герби ва мадҳиясига эга»**.

Машғулот сўнггида ўқувчилар давлат рамзлари мазмунини таърифладилар. Ўзбекистон, Ватан хакидаги шеърлардан ифодали ўкиб бердилар. Машғулот Ўзбекистон Мадҳиясини ижро этиш билан якунланди.

У. ЖЎРАЕВ,
Бўка туманидаги 8-ўрта мактабнинг олий тоифали тарих фани ўқитувчиси

Билим олиш бахти

ФОЙДАЛИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тадбир ТошДУ қошидаги Олий педагогика институтида, курсларни битирувчи тингловчилар иштирокида ҳам бўлиб ўтди. Мулоқотни Тошкент Давлат юридик институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари олиб бордилар. Сўзга чиққан нотиқлар мустақил давлат қурилишида ҳар бир Ўзбекистон фуқароси иштирок этиши зарурлиги ва улар ўз фаолиятида қонунларимизга тўла амал қилишлари лозимлигини таъкидладилар.

Учрашув якунида сўзга чиққан ОПИ директори, профессор Ш. Шаропов учрашув ниҳоятда фойдали бўлганлигини, бунда республикамизнинг ҳар бир вилоятидан ўз малакаларини ошириш учун келган тингловчилар ҳам иштирок этганлигини таъкидлаб ўтди. Учрашув сўнггида курс тингловчиларига тантанали равишда гувоҳномалар топширилди.

***

ТошДУ қошидаги Олий педагогика институти ва унинг ўрта махсус ўқув юртлари бўлими жамоаси яна бир ибратли ишга қўл урдилар. Бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар иккита ўрта махсус ўқув юрти: Даҳбед агроиқтисодиёт коллежи ва Ғаллаорол агробизнес коллежи ўқувчилари ва ўқитувчилари билан учрашув ўтказдилар. У ерда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асари бўйича илмий-услубий конференция ўтказилди. Сўзга чиққан ОПИ профессорлари Р. Сангиров, Ў. Ҳайдаровлар асарнинг ҳозирги кун муаммоларини ҳал қилишда, келажагимиз тараққиётини белгилашда дастуриламал вазифасини ўтаяжаклигини айтиб ўтдилар. Шунингдек, учрашувда коллеж директорлари ва ўқувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Маҳкам ҚЎЧҚОРОВ

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — БОШ ҒОЯ

Қомусимиз қабул қилинганининг олти йиллиги муносабати билан ТошДЮ институти ректори, Олий Мажлис депутати, юридик фанлари доктори, профессор Ҳалим Бобоев билан суҳбатлашиш хоҳиши туғилди. Шу мақсадда ушбу даргоҳга ташриф буюрдим. У киши ниятимни англагач, соатига бир қаради-ю, тезда радио мурватини буради. Унда конституциямиз ҳақида фикрлар айтиларди. Тушинтиришлар бериларди. Ажабланганимни сездими, «Ҳа, бу институтимиз ички радиоси. Ҳар куни шу каби эшиттиришлар тайёрлаймиз. Мақсад талабалар онги, дунёқарашини бойитишдир. Бундан ташқари охирида мадҳия чалиниб, роппа-роса 9.00 да дарслар бошланади. Бунга ҳозир ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз» дея ректор аниқлик киритди. Чиндан ҳам шундай бўлди. Талабалар мадҳиямизни эшитиб, дарсларни бошлашган бўлса, биз ҳам шу тахлит суҳбатимизга муқаддима қўйдик.

—Ҳалим ака, қомусимизни 6 йилдан бери ҳаётга татбиқ қилишда нималарни алоҳида санаб ўта оласиз?

—Барча жиҳатлари ҳаётда аксини топмоқда. Энг асосий — инсон манфаатлари ғояси шубҳасиз давлат миқёсидаги ички сиёсатга айланган. Яъни инсон манфаатлари ҳар нарсадан устундир.

— Конституцияни бузиш ҳоллари ҳам бўляптими?

— Аввало, бунга ҳаракат бўлди. Бу ўша динни ниқоб қилиб олган гуруҳлар фаолиятидир. Иккинчи ички томони эса яқинда Навоий ва Самарқанддаги сессияларда воқеалардир. Мисол учун қомусимизда барча тенг ҳуқуқли эканлиги айтилган бўлса, бу икки вилоятда уруғчилик, қариндошчилик оқибатида ана шу тенгликка раҳна солинган. Катта миқдорда давлат мулкини талон-торож қилингани эса, янада афсусланарлидир. Хўш, нега бу воқеаларни қонун посбонлари аввал бошида кўришмади? Чунки улар ҳам жиноятчиларга шерик бўлишган. Ачинарлиси ўша ҳамтовоқлар ҳам бир пайтлар бизда таҳсил олишган. Айбимиз уларни маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялаганмиз. Шу сабаб гувоҳ бўлганингиздек, ички радио ташкил қилганмиз.

Бундан ташқари, институтимиз қошида «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази» ҳам иш олиб бораяпти. Марказнинг ўз фаолият дастури бўлиб, унга кўра жойларда ходимларимиз ҳуқуқни тарғиб қилишмоқда. Мисол учун бу ой 20 - нафар аъзомиз вилоятларда ана шундай чиқишлар қилишди.

— Қомусимизнинг халқаро аҳамияти ҳақида ҳам тўхталсангиз?

—Аввало конституциямиз мустақиллик қомуси сифатида тарихга кирди. Уни ҳеч иккиланмай дунёдаги етакчи давлатлар конституцияси сафига қўйиш мумкин. Чунки қомусимиз барча илғор давлатларнинг қонунчилигидаги ғоялар билан суғорилган.

Х.АБДУРАҲМОН

СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 19-ўрта мактабни ҳеч иккиланмасдан мўл-кўл тажриба тўплаган даргоҳ деб эътироф этиш мумкин. Чунки бу ерда бугунги мактаб ўқувчисини қонунларимиздан бохабар этишда ўзига хос иш услуби вужудга келган.

Агар умумтаълим мактабларида узунлик ҳамкасбларимизники сингари кўрик-танловлар уюштирилса, фақат ютамиз.

Қуйида ушбу кўрик-танлов ташкилотчиси, туман ХТБ методика кабинети мудири З. Раҳмоновнинг мақоласи эълон қилинмоқда.

* * *

Мактабда қонунни қандай тарғиб этиш керак, деган муаммо азалдан бор. Чунки сир эмаски, ўқувчининг билиб-билмай жиноят қилиши қонунларимизни англамаслик оқибатида рўй беради.

Биз минглаб ўқувчиларга «Сиз қонунни биласизми?» дея мурожаат қилишдан аввал кўрик-танлов ўтказишни режалаштирдик. Мақсад — ўқувчиларга жиноят ва жазонинг моҳиятини янада теранроқ англатиш.

Ана шу мақсадда Б. Очилдиев номидаги жамоа хўжалигида жойлашган 25-мактабда ўқувчилар беллашуви ўтказилди. Гуруҳлар «Адолат» (19-ўрта мактаб) ва «Диёнат» (25-ўрта мактаб) деб номланди.

Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис ва маҳаллий органларга сайлов, сайловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар ҳамда ёшларнинг маънавий қиёфаси каби мавзулари доирасида ташкил этилди. Иштирокчилар учун бешта шарт белгиланди.

Биринчи шартда командалар ўзларини таништириши, ўз либослари, гуруҳ рамзи, яъни кўкрак нишонларини чиройли жумлаларда таърифлаб беришлари керак (8 дақиқа).

Иккинчисида эса 8 кишидан иборат танлов иштирокчиларининг ҳуқуқий билим даражаларини аниқлаш бўйича берилган саволларга жавоби олинади. (2-3 дақиқа)

Учинчи шарт анча қизиқарли намойиш этилиши керак. Ҳуқуқий билимлар асосидаги саҳнавий кўринишга 10 дақиқа ажратилади.

Бунда «Адолат» ва «Диёнат» гуруҳлари ҳаётда учрайдиган воқеа-ҳодисалардан лавҳалар намойиш этишди.

Кўрик-танловнинг бешинчи шартида Ватанни мадҳ этувчи миллий анъаналар кўрсатиш белгиланган эди.

Шартларни бажаришда гуруҳларнинг нимага қодирлиги намоён бўлди. Гап бу ерда гуруҳларнинг бир-бирлари устидан ғолиб чиқишлари ҳақида эмас, балки мустақил ҳаёт остонасида турган ёшларни қонун сари етаклашдан иборатдир.

Қонунни билиш – барчага дахлдор иш. Айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг онгини қонун, жиноят, жазо тушунчалари билан бойитсак, ҳар биримиз учун фойдали иш бўларди.

«БАХТИМИЗ ҚОМУСИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий! Қуйидаги таърифланган ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» моддаларидан келтирилган сўзларни шаклда «занжир» ҳолида ёзиб машқ ҳал этилади.

1.Қомусимизнинг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар бобидан» «Ҳар ким...?..., сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга». (7). 2. Маълум бир масала юзасидан ўзаро келишилганлик ҳақидаги ёзма битим (7). 3. Одилона ва ҳолисона фаолият кўрсатиш (4). 4. Конституциямизнинг «Жамиятнинг иқтисодий негизлари» бобидан: «Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, ... ?... ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди». (7). 5. Ҳуқуқнинг маълум соҳасига оид тартибга солинган қоидалари мажмуи. (3). 6. Конституциянинг XXIII бобидан: «...?... ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади» (6). 7. Республика Президенти томонидан тайинланувчи ва бирор соҳани бошқарувчи ҳукумат аъзоси. (2). 8. Баъзи орган, ташкилот, жамият бошлиғи. (1). 9. Қомусимизнинг I бобидан: «Ўзбекистон...?... демократик республика» (5). 10. Маълум масала бўйича қонун-қоидалар, тартиблар мажмуи. (3). 11. Ўзбекистон Республикаси олий нишонларидан бири. (7). 12. Республикамиз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишнинг таъминланиши. (2). 13. «Асосий принциплар» бўлимидан: «Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — ...?... шаҳри». (1). 14. Маъмурий ҳудудий бўлинма. (1). 15. Сайлаш учун тайинланган шахс. (6). 16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аъзоси. (6). 17. «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари» бобидан; «Хотин қизлар ва эркаклар...?... ҳуқуқлидирлар».(3). 18. Давлат рамзларидан бири. (3). 19. Конституциянинг маълум қисми. (2). 20. Тантанали кун. (1). 21. «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» бобидан: «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги,... ?... ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади»(3). 22. Маълум бир вазифани ташкил этиш ёки амалга ошириш тамойили. (2). 23. Қомусимизнинг XXVI боби номидан: «...? ... ва хавфсизлик». (6). 24. Расмий ёзма илтимоснома. (3).

Энди шакл атрофидаги рақамларни сўзлар таърифларидан сўнг қавс ичидаги рақамлар тартибига мувофиқ ҳарфлар билан алмаштириб, муаммомони ҳал этинг. Улардан қомусимиз моддаларидан бирида баён этилган сўзлар аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ тузган

ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Mulohaza

Конституциянинг моҳияти, хусусияти, афзалликлари ҳақида шубҳасиз жуда кўп гапириш мумкин. Аммо шуни эсда тутиш керакки, ҳар қандай пухта ишланган, демократик конституция ва қонунлар ҳаётга тадбиқ этилмаса, рўёбга чиқарилмаса, бу ҳеч нарса эмас, фақат орзу бўлиб қолаверади. Унинг аҳамияти, изчиллик билан амалга ошириб борилишида намоён бўлади. Ҳар қандай демократик конституциянинг кучи унинг амалдаги фаолияти билан белгиланар экан, бунинг учун қонуннинг устуворлигини, қонун олдида ҳамманинг тенглигини амалда таъминлаш зарур.

Талаба ва ўқувчининг ҳуқуқий онги қандай ривожлантирилади? Албатта, бунинг шакл ва услублари кўп. Ўтган йили яъни инсон манфаатлари йилида жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб ҳалқ таълими тизимида, хусусан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида «Инсон ҳуқуқлари» ўқув курси жорий қилинган эди. Инсон ва унинг ҳуқуқи, эркинлиги ҳозирги замоннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлиги сир эмас. Университетимизда бу курсни фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ кафедраси ўқитувчилари олиб борадилар.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, талабаларнинг ҳуқуқ дарсига, айниқса «Инсон ҳуқуқлари » курсига қизиқишлари бениҳоя катта. Семинар машғулотларимиз жонли, эркин, мунозара асосида ўтмоқда. Маъруза ва семинар машғулотларининг тарбиявий жиҳатларига катта аҳамият бермоқдамиз. Айниқса, Президентимиз асарларини ўқиб-ўрганишга алоҳида меҳр билан қарамоқдамиз.

Асосий қонун – конституциямизни ўқиб-ўрганиш талабларидан келиб чиқиб ҳуқуқшунослик курслари ўқитиляпти. «Ҳуқуқшунослик ва инсон ҳуқуқлари» курси 60 соат ҳажмида режалаштирилган. Шундан 36 маърузанинг 24 соати амалий машғулот бўлиб, 1-курсда ўтилмоқда. Фикримизча, бу курсни биринчи курсда, «Инсон ҳуқуқлари» курсини учинчи курсда ўқитиш маъқулроқ туюлади. Потокда талабалар сони 60-80 нафаргача, семинарда эса 15 – 20 нафаргача бўлгани афзал. Шунда курсни ўзлаштириш осон кечади (бу ижтимоий фанлар учун). Учинчи курсда «Инсон ҳуқуқлари» дастури бўйича 40 соат белгиланган. Шундан 26 маърузанинг 14 соати семинар сифатида ўтилиши мақсадга мувофиқ.

Университетимизда ўқув жараёнлари ва талабаларнинг билимини аниқлаш, баҳолаш «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан келиб чиқиб босқичма-босқич рейтинг асосида уюштирилаётир.

Шу кунларда барча факультетларда, ўқув зали ва ётоқхоналарда конституция кунига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтяпти . Бунда ижтимоий фан ўқитувчилари «Конституция ва ҳаёт», «Конституция ва инсон ҳуқуқлари», «Конституция – мустақиллигимизнинг ҳуқуқий кафолати» каби мавзуларда маъруза ва суҳбатлар ўтказишмоқда. Ёшлар ҳам сўзга чиқишиб, ўз ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида фикр билдиришяпти.

Мулоҳазаларимни якунлар эканман, Конституция юртимизнинг барча фуқаролари истак-хоҳишлари, манфаатларини ифодалайди. Ҳуқуқ, бурч, эркинлик асосий қонунимизда акс эттириб берилган экан, ҳар бир киши бунда ўз ўрни ва қиёфасини белгилаб олиши керак.

М.КАМОЛОВ,
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети фалсафа кафедраси доценти

Bolalar bog'chalarida

ЖАЖЖИ ҚАЛБЛАРДАГИ ВАТАН СУВРАТИ

— Биз қайси республикада яшаяпмиз?

— Биз Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳрида яшаяпмиз, — деди Хуршида.

— Бизнинг давлатимиз қанақа давлат?

— Бизнинг давлатимиз мустақил давлат, — шоша-пиша деди Шаҳриёр.

— Нима учун мустақил?

— Чунки ўз Президентимиз, мадҳиямиз, байроғимиз, гербимиз, чегарамиз ва тилимиз бор, — бурро жавоб берди Худоёр.

Биз пойтахтнинг Шайҳонтоҳур туманидаги 27-болалар боғчасига ташриф буюрганимизда бу ерда Конституция кунига ана шундай ҳозирлик кўраётганликларининг шоҳиди бўлдик. Кичкинтойлар масканининг тайёрлов-логопед гуруҳи тарбияланувчилари улуғ айёмни қизиқарли савол-жавоблар, Ватан, тинчлик, Ўзбекистонни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар куйлаш билан нишонлаётирлар. Гуруҳга тажрибали мураббий Феруза Тошмуҳамедова раҳбарлик қилади.

– Машғулотларни Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳиясини куйлаш билан бошлаймиз, — деди Феруза Тошмуҳамедова. – Машғулотда Ватан деганда нимани тушуниш, байроқдаги ранглар ва улар нималарни англатиши, гербда нималар тасвирлангани, мустақил давлат бўлганимиздан сўнг эса 8 декабрь Конституция деб эълон қилингани ҳақида имкон қадар кенгроқ тушунча бермоқдамиз.

Байрам шарофати билан, дейди мусиқа раҳбари Назифа Акрамова, — тарбияланувчиларимизга «Узбекистон», «Тинчлик бўлсин», «Ҳумо қуши», «Бахтли болалик» қўшиқларини ўргатдик.

Кичкинтойлар гулшанида, шунингдек қутлуғ айёмга бағишлаб I- ва III- тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчилари иштирокида «Биз табиатни севамиз» мавзусида «Қувноқлар ва зукколар» мусобақаси ҳам ўтказилаётир. Унда дилбандлар она-Ватанга бўлган муҳаббатни мадҳ этадилар, экологик билимлари, топқирлик ва чаққонликларини намойиш этадилар.

Конституция куни муносабати билан ўтказилаётган шодиёна мурғак қалбларда ғурур ва ифтихор туйғусини уйготиши шубҳасиз.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Суратларда:

Ҳар бир байрамни болаларча беғубор руҳда нишонлайдиган Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Ширинтой» деб номланувчи 47—болалар боғчасининг энг қувноқ лаҳзалари акс этган. Умрини болаларга бахшида этган тарбиячилар Д. Холматова, Г.Исматовалар доим ижодий изланишда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар

ФАХРИМСАН, ҒУРУРИМСАН ЎЗБЕКИСТОНИМ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 6 йил тўлиши муносабати билан пойтахтимизнинг Юнусобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли 301-болалар боғчасида катта анжуман ўтказилди. Кичкинтойлар иштирокидаги мусиқий композиция ва концерт дастури тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар, ота-оналар, «Янги ариқ» маҳалласи фаолларига ғоятда манзур бўлди. Муҳими, унда боғча жамоаси ўғил-қизлар онгига Ватан тушунчасини теран сингдираётгани, озод юртимизнинг рамз ва тимсолларига чуқур ҳурмат ва муҳаббатли муносабатда бўлишни уқтираётганлари аён бўлди. Таъкидлаш жоизки, Ватан тўғрисидаги шеър ва декламациялар, қўшиқ ҳамда рақслар ижроси анжуманга ўзгача файз киритди. Шу билан бирга кичкинтойлар пахта, буғдой бошоқлари, Ҳумо қуши тасвиридаги либосларда рақс ҳаракатларини бажариб, давлатимиз герби тасвирини ҳосил этишганида, йиғилганлар гурра қарсак чалиб юбордилар ва каттаю кичик баробар тик туриб, Ўзбекистонимиз давлат мадҳиясини ижро этдилар.

Жажжилар «Она диёрим – жон Ўзбекистоним» қўшиғини куйлаб, «Ватан» композициясини ижро этишди. Болажонлар «Сеҳрли эртак» студиясининг театрлаштирилган томошасини намойиш этдилар. Айниқса, ўзбек, рус, инглиз тилида ёд олган шеър ва қўшиқлар ижроси, ёш мусиқачиларнинг «Серқуёш Ўзбекистон» куйини чолғу асбобларида чалишлари ота-оналарга завқ бағишлаб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Ушбу анжуманни ўтказишда, боғча мусиқа раҳбари Наталья Бичик, тарбиячилардан Матлуба Обиджонова, Наргиза Ғаниева, Феруза Нурмуҳамедова, Людмила Шалыгина, бош тарбиячи Муқаддас Одиловалар фаоллик кўрсатдилар.

Тадбирда Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси муовини Муборак Юнусхўжаева, Юнусобод тумани ҳоким муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Хадича Атаматова, туман халқ таълими бўлими ходими Хусния Ризаева, «Янги ариқ» маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси Иноятхон Кўчқорова, меҳнат фахрийси Жўрахон Жўраева ва бошқалар йиғилганларни байрам билан қутладилар. Республика болалар жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Насиба Эргашева маъсумларга эсдалик совғалари, ширинликлар тортиқ этди.

Муҳими, байрам шодиёнасида «Янги ариқ» маҳалласи фаоллари, 96-мактаб муаллимлари, ота-оналарнинг иштироки шу боғча жамоасининг оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлиги тамойилида таълим ва тарбия ишларини олиб бораётганидан ҳам дарак бериб турди.

Гулчехра МУҲАММАДЖОН қизи

Xullas...

КУТИЛМАГАН МЕРОС

Унчалик катта бўлмаган Мозельск қишлоғида истиқомат қилувчи Манфред исмли киши миллионер бўлишни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган бўлса керак. Камбағаллар қачондир бойийди, бойлар эса вақти келиб қашшоқлашади, деган гап тўғри шекилли. Ахир Манфред туну кун токзорда тер тўкиб, рўзғорини зўрға тебратарди-да.

Киборлар истиқомат қиладиган Дюссельдорф шаҳарчасининг Кенигсалле кўчасидаги ҳашаматли иккита уй эгаси бўлиш Манфредга насиб қилди. Бу мерос унга олти йилдан бери дом-дараксиз йўқолган тоғасидан қолди. 48 ёшдаги Манфреднинг уч фарзанди бор.

Уйнинг энг кам қиймати 100 миллион марка. Ҳовлилар уч фарзанд тугул, Манфреднинг етти авлоди ҳаётий эҳтиёжларини қоплашга ҳам етади.

ГЎЗАЛЛАР ТАНЛОВИ

Сарвқомат қизларни қадимда ҳам, ҳозирда ҳам мадҳ этишади. Мумтоз адабиётимиз вакили Шерозийнинг: «Агар кўнглимни шод этса ушал Шероз жонони, қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони» деб битган сатрлари ҳам маъшуқалар ҳақида.

«Жаҳон маликаси» танловида иштирок этиш бахтига муяссар бўлган қизлардан бир гуруҳи Сейшел оролларидаги пойтахти Викторияга ташриф буюришди. Шарқий Европадан маликаликка даъвогар бўлиб борган Кристина Пахарнайте (Литва), Ева Хорват (Венгрия), Ли Юргенсон (Эстония) ва Каролина Чичаткова (Словакия)лардан қайси бирига «малика»лик насиб қилар экан.

ОЛТИ МИНГ ЁШДАГИ БИТИК

Мисрлик археологлар Нил дарёсининг юқори қисми – Корейма шаҳарчаси яқинида қандайдир тош битикларга дуч келишди. Аслида у галдаги топилмалардан бири бўлса-да, ёши, қайси даврга оидлиги криптологлар (нарса ҳақида тадқиқот олиб борувчилар)ни қизиқтириши табиий эди.

Гапнинг индаллоси, қадимги мисрликлар ҳайкали буюк Аран Горо бу ҳақда тадқиқотчиларга «гапириб берди». Узига яраша диалектик қонунлар маҳсули бўлган тошдаги битиклар тахминан олти минг ёшда экан.

Хулоса шундайки, мисрликларнинг аждодлари диалектик қонунлардан хабардор бўлишган. Францияда чоп этиладиган «Фигаро» газетаси бу воқеа тафсилотини шарҳлаб берган.

ana shunaqa gaplar...

ЭЗГУ АМАЛ

Қарши шаҳридаги кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатида Ногиронлар кунига бағишлаб бир ажиб тадбир бўлиб ўтди. Тадбирки, бир юз йигирма саккиз нафар норастанинг кўнглини равшан қилгулик. Осуда юзларига жилва бахш этгулик. Мухтасар таъбир билан айтганда, савобли тадбир.

Бу эзгу амалга шаҳар ҳокимияти ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси бош-қош бўлди.

Вилоят иссиқлик манбаи бошқармаси (бошлиғи С.Ҳикматов) болаларга 80 та кўйлак ва 60 та халат тақдим қилди. Газлаштириш бошқармаси эса (бошлиғи А.Абаев) мактаб-интернат ҳисоб рақамига 30 минг сўм пул кўчирганини маълум қилди.

Дарвоқе, Қарши шаҳридаги 3-ўрта мактаб қошида ташкил этилган ансамбль тадбирни куй-қўшиқлар билан файзиёб этиб турди.

Алоҳа, ушбу мактаб-интернат директори Қаҳрамон Ҳақбердиев бизни сим орқали шулар ҳақида дараклади.

Мухбиримиз

САВОЛ-ЖАВОБ ТАРЗИДА...

Миллий матбуот маркази ўз номига ярашиқлик бир неча бор мулоқотлар ўтказиб , чин маънода матбуотчилар марказига айланмоқда. Ана шуларнинг навбатдагиси божхона ходимлари билан ўтказилди. Унда божхона қўмитаси раиси ўринбосари С. Орипов, Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғи А. Омонбоев, МММ раиси А. Каримов ва республика божхона қўмитаси бошқарма бошлиқлари иштирок этишди. Журналистлар аввало С. Ориповнинг божхонадаги бугунги кундаги ахвол ҳақидаги фикрларини эшитишди. Сўнгра ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишди. Мулоқот охирида анъанага кўра, меҳмонлар матбуотчиларга ўз дил сўзларини айтишди. Жамиятнинг кўзи бўлмиш журналистларга миннатдорчилик билдиришди.

Р. ХАФИЗХОНОВ

Sport maydonchasi

БАРЧА ЙЎЛЛАР БАНҒКОККА ЭЛТАДИ

Эртага Бангкок шаҳрида XIII Осиё ўйинлари бошланади. Қитъамизнинг 25 мамлакати иштирок этадиган ушбу мусобақада спортчиларимиз 20 спорт тури бўйича омадларини синаб кўради.

ИСПАНЛАРГА АТАЛГАН ТУРНИР

«Катта дубулга» сирасига кирувчи Ганновер теннис турнири ҳам ортда қолди. Дунёнинг энг кучли 10 та теннисчилари баҳслашадиган ушбу норасмий жаҳон биринчилиги финалига қутилмаганда икки испан теннисчиси йўл олишди. Финалда эса Алекс Корретха–Карлос Мойядан кучли чиқди.

ЭНГ ЗЎР

Дунёнинг энг зўр футбол клуби қайси? Европа жамоалари кучлими ёки Лотин Америкаси клубларими? Токиода ушбу баҳсларга аниқлик киритувчи анъанавий «Қитъалараро кубок» ёҳуд «Тойота» кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.

Унда Испаниянинг «Реал» (Чемпионлар лигаси ғолиби) жамоаси Бразилиянинг «Васко да Гама» (Либертадорис кубоги ғолиби) жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

БОШЛАНИШИ ЁМОНМАС, ЯХШИ ҲАМ

XIII Осиё ўйинларининг футбол мусобақалари бошланиб кетди. Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки ўйинда Кувайт терма жамоаси билан 3:3 ҳисобида дуранг ўйнади. Футболчиларимиздан тўпларни М.Қосимов, А.Хвостунов ва А.Акопянцлар киритишди.

XX АСР СПОРТЧИСИ

Асримиз поёнига етиб борган сари мухлису мутахассислар ўртасида ушбу юз йилликнинг энг машҳур спортчиси ким деган мавзуда гортишувлар қизияпти.

Ҳозирча энг кўп тилга олинганлар «Футбол қироли» Пеле, афсонавий боксчи Муҳаммад Али, баскетболчи Майкл Жорданлар бўлиб турибди. Аниқ жавобни эса бир йилдан кейин оламиз.

Кадрли Дилбар МУРОДОВА!

Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Сизни Ўзбекистон халқ маъорифи аълочиси, халқ таълимининг жонкуяри, болажон инсон сифатида яхши биламиз. Сиз ўзингизнинг 32 йиллик фаолиятингиз ва ҳозирда Қарши вилоят халқ таълими бошқармасидаги фаолиятингиз мобайнида жуда кўп хайрли ишларни амалга ошириб келмоқдасиз.

Тилагимиз: болалар тарбиясидаги савобли ишларингиз янада кўпаяверсин! Доимо яхши дўстлар даврасида бўлинг! Эл назаридан қолманг.

Ҳурмат билан Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим бошқармаси.

QUTLOV

Ўқитувчилик касбини эъзозлаб келаётган Сурайёхон ЗАЙНОБИДДИНОВА! Сизни таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз.Бахт саодат, омад ҳар ишда ҳамроҳингиз бўлсин.

Доимо соғ бўлинг!

Укангиз Саъдулла ва оила аъзоларингиз

Андижон вилояти Кўрғонтепа тумани Дардоқ қишлоғи



Ҳурматли дадажонимиз Абдулаҳад ЙЎЛЧИЕВ!

Сиз неча ун йиллардан буён ёш авлодни тарбиялашдек эзгу ишга камарбастасиз. Бу йўлда собитлик, саломатлик ҳамроҳингиз бўлсин. Олтмиш ёшингиз билан чин дилдан қутлаймиз!

Оила аъзоларингиз

Jurnal sahifalarida

Ўқинг... амин бўласиз

«Тил ва адабиёт таълими» журналнинг 5-сони ҳам нашрдан чиқди. Журнални варақлар экансиз даставвал «Муаммолар... вазифалар.. ечимлар» рукнида «Билим даражаларини назорат қилишнинг рейтинг усули тўғрисида низом» билан танишишингиз мумкин. Агар варақлашда давом этсангиз Ангор туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси Ўролгул Қодированинг «Она тилидан саҳна дарси» омоним, синоним, антоним, пароним бир ва кўп маъноли сўзларга бағишланган қизиқарли композицияни ўқийсиз. Бу танишувдан фойдаланиш ўқувчини ижодкорликка, изланишга ундаши билан аҳамиятлидир.

Докторант Зоҳиджон Исломов эса Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддаматул адаб» асарини ноёб тарихий қомусий дарслик сифатида талқин этади. Зеро, асар ҳозирги кунда ҳам араб, форс, туркий, мўғул, хоразмий тилларини ўрганиш учун бебаҳо манба бўлиб қолмоқда.

Ҳабибулло Жўраевнинг «Бир фикрнинг юз жилоси», Гулчеҳра Рихсиеванинг «Ўзбек шеъриятида анофоралар» номли мақолалари ҳам ўқитувчиларга Навоий шеъриятидаги бадиий санъатлар, таърифлар ҳақида мукаммал маълумот беради.

Бундан ташқари журнал саҳифаларидан таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактабларнинг 2-4 синфлари учун ўзбек тили дастури•лотин ёзувига асосланган ўзбек

тилида берилган. Шунингдек, сизни жой номлари таъбири, моҳир муаллимлар, чет тили ва давлат тилини ўрганиш масалалари ҳам бефарқ қолдирмайди.

Ўйлаймизки, журнал тил ва адабиёт фанларини ўқитишингизда сизга яқин ҳамроҳ ва маслаҳатгўй бўлиб қолади. Журналнинг янги сони билан танишгач бунга амин бўласиз.

Маҳмуда ВАЛИЕВА, журнал бўлим муҳаррири

ҲУНАРНИНГ АЪЛОСИ ИЛМДИР

Билим, маърифат, албатта, яхши аҳлоқ билан безатилмоғи лозим.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Билимла ечилур ҳамма берк тугун,
Билим ва тушунишга интил кун-тун.
Билимни сол ишга, неча билмагин,
Яна урганавер, ғанимат бу кун.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Токи сен узингни илм йўлига тамом
багишламагай,
Билгилки илм сенга ҳеч нарса бермагай.

Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ

Эр кишига зебу зийнат - ҳикмат ва донишдур.

Алишер НАВОИЙ

Олгил мандан насиҳат уғлум илму адаб ургангин,
Бўлиб билимли улуғ халқ ичида бошқага илму адаб ургаттин.

Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Тўпловчи А.АЛИЕВ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими эмблемаси»ни яратиш бўйича танлов эълон қилади.

«Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг энг яхши эмблемаси» танлови икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқич 12 декабргача таълим муассасаларида ўтказилади.

Ушбу босқич ғолибларининг ишлари 4—5 намунада 18 декабргача Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказига юборилиши лозим. Иккинчи босқич эса Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказида 18—25 декабрда ўтказилади.

Таълим муассасаларининг раҳбарлари танловга кенг доирадаги профессор-ўқитувчилар, муҳандис - педагоглар, талаба ва ўқувчиларни жалб қилиши, ўз муассасаларидаги танлов ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантиришлари, ўзи раҳбарлик қилаётган муассаса бўйича танлов натижаларини ўз вақтида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказига етказилишини таъминлашлари лозим.

Албатта эмблемада мустақил юртимиз ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ўзига хослиги ҳамда мамлакатимиз келажаги учун муҳим бўлган ғоялар ўз ифодасини топиши керак.

«Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими эмблемаси» танловининг ғолибига Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 10 минг сўм миқдорида мукофот берилади.

Танловда фаол иштирок этишга шошилинг азизлар!

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази

ЭЪЛОН

Яккасарой туманидаги 160-мактаб - лицей томонидан НЕГМАТОВ ИСЛОМБЕК ПУЛАТОВИЧ номига берилган O'R – E 034471 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, СаъдуллаҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Рустам БОЙМАТОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0609. Тиражи 24.830. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-20.00.